

Toshkentning 32 minorali darvozalari qadim Shosh tarixining bezagidir

Мозий – ҳақиқат тарозуси

Қадимги даврларда ноқ шаҳарнинг катта дарвозалари олдида турли ибтиҳонлар, шаҳарга келган нуфузли меҳмонларни кутиб олиш маросимлари ўтказилган. Шунингдек, шаҳар дарвозалари стратегик аҳамиятга эга бўлган. Асрлар давомидида мазкур дарвозаларнинг кўриниши такомиллашиб, айниқса, арк билан қурилиши уларга ўзгача салобат берган.



ТОШКЕНТНИНГ 32 МИНОРАЛИ ДАРВОЗАЛАРИ

қадим Шош тарихининг безагидир



Жаннат ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон тарихи
давлат музейи директори

Ўрта асрларда бир оз мураккаб техникага эга кўтарма дарвозалар қурила бошланган. Уларнинг безаги мамлакатнинг анъаналари, диний қадриятлари ва тарихий саналари билан боғлиқ бўлган.

Тошкент кўлай географик ҳудудда, яъни Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўли чорраҳасида жойлашгани туфайли бу ерга савдо

"XVIII асрнинг охирида шаҳар мудофаа деворининг баландлиги салкам 8 метр, тепа қисмининг кенглиги 2 метргача бўлган. Девор айланасининг узунлиги 18,2 км, шаҳарнинг умумий майдони эса 26,4 кв. км.ни ташкил этган", деган маълумотлар мавжуд.

Шаҳар девори яроқсиз ҳолга келиб, қайта қуришни талаб қилгани боис, XIX асрнинг ўрталарида Қўзон хонлиги даврида хон ноиб Бекларбег томонидан Тошкент мудофаа деворлари ва дарвозалари таъмирланди. Бу вақтда девор баландлиги 10 метрдан ошиб, юқори қисмида душманга ўқ отиш учун кўплаб шинаклар очилган эди. Шаҳар мудофаа деворининг 12 та дарвозаси (Тахтапул,



Ҳажини Йўлдошев оғлини сурагилар.

оғзаки нутқда "камолон" талаффузида етиб келган. Тарихдан маълумки, Тошкентда ясалган ўқ-ёйлар Шарқда "Қамони Шоший" номи билан машҳур бўлган ва Шарқ адиблари асарларида таърифланган.

12 дарвозанинг ҳаммаси катта йўл устида қурилган бўлиб, барчаси мустаҳкам, қаттиқ ёғоч — тоғ арчасидан ясалган ва уст томонига нақшкор безаклар берилган. Ҳар бир дарвозанинг жуфт ҳалқалари, қалитлари бўлган. Қалитлар дарвозабонлар қўлида сақланган. Дарвозабонлар дарвозаларни тонгда очиб, кўёш ботганда беркитганлар. Ёпирилгандан сўнг уларни очишга ҳеч кимнинг ҳақи бўлмаган. Фақатгина шаҳар ҳокимининг ўта зарур фармойиши билангина дарвозаларни очишга рух-

Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳри аксарият маълумотларда яшил шаҳар сифатида таърифланади. У ташқаридан кириб желаётган одамга боғларга бурканган гўзал шаҳар сифатида намойён бўлган.

XIX асрда Тошкентга келган татар савдогари Шубай Арслонов Тошкент ҳақидаги маълумотларни келтириб, шаҳарнинг ўша даврдаги ташви ва ички манзарасини кўйидагича тасвирлайди: "Тошкент шаҳри қалин паҳса девор ва зовурлар билан ўраб олинган. Шаҳар катталиги жиҳатидан Қўзон шаҳрига тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Шаҳарда боғ ва масжидлар кўп. Катта масжидларда кўпчилик бўлиб намоз ўқиганлар. Дарвозалар олдида алоҳида миришаблар туради. Уларда тўп йўқ, узоқда отадиган милтиқлар бор. Бундай милтиқлар Тошкентда ясалди. Шаҳарни ўн икки кишидан ташкил топган кенгаш



Биланган. Ҳуқуқат қарор.